

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• Баҳоси эркин нарҳда •



Раҳматилла МИРЗАЕВ —
Ўзбекистон телевидениеси
сухандони.

— “Оила ва жамият”
ҳақида нималар дея оласиз?

— Яхши ҳафталик.
Мунтазам ўқиб бораман.

Биз ҳаммамиз
югураётганга ўхшаймиз,
умуман мамлакатнинг
телевидение, радио, барча
матбуот ходимлари-да. “Оила
ва жамият” ҳаммамиздан

илгарироқда чопаяпти.
Тушундингизми? Газета
номиеқ ўқувчиларни жалб
килади. Оилани жамиятдан,
жамиятни оиладан айри
тасаввур этиб бўлмайди.

эгаллаган мақолаларни
ўқишга умуман хушим йўқ.
Яна бир нарсаси, Ўзбекистонда
машҳур кишилар кўп. Лекин,
уларнинг фақат номи машҳур.
Уларнинг шахсий ҳаёти,

чикқан ҳолда иш тутмоқда.
Шу йўл-йўриқдан бормоқда.
Айтишларича, ўн беш кун оч
юрган одамга бирдан ош
едирилса, у ўлиб қолиши ҳам
мумкин экан. Аввал унга сув

Обуна — 95

МУХИМИ ОИЛА ВА ЖАМИЯТНИНГ БИРЛИГИ

Қачонки бу икки тушунча
ўртасида узвийлик, бирлик
қарор топса, давлат
ривожланиш йўлига чиқади.
“Оила ва жамият” бу борада
жуда яхши иш олиб борапти,
деб ўйлайман.

Газетанинг менга энг
маъқул томони ҳамиша киска
ва лўндаликка интилиши.
Саҳифа-саҳифа жой

оиласи, нималарга қизиқиши,
болалиги ва ҳоказо, булар
халққа, ўқувчиларга
номаълум. Ўқувчилар эса, бу
нарсаларга қизиқади. Улар
билишни истади. Айнан бу
эҳтиёжни “Оила ва жамият”
қондирапти. Умуман
олганда, газета ўз
муштарийларининг
қизиқишини, савиясини

ичириш, дори-дармон қилиш...
Ҳатто, шу нарсанинг ҳам
йўриги бор экан. Бунга газета
ходимлари яхши тушу-
нишди, менимча.
— Қандай таклиф
ларингиз бор?
— Янаям кўпроқ ешларга
эътиборни қаратиш зарур.
Ёшлар ҳаёти, уларнинг
муаммолари кенг ёритилиши
ҳисобга олиб, шундан келиб
керак. Газета саҳифаларини

еш муаллифлар номи билан
бойитиш, қўлига умид билан
калам олган ёш ижодкорларга
туртки бериш зарур.
Биласизми, дунё микесиди
ҳам инфарк касалига
учраганларнинг 70 фоизи ўз
истеъдодини юзага чиқара
олмаслигидан, уни ҳаётда
қўллай билмасликдан шу
дардга йўлиқар экан. Бугунги
кун матбуоти инсон
қобилиятларини юзага
чиқариш, унга имкониятлар
очиқ бериш учун тер тўкмоғи
лозим.

Мен сизларнинг ҳамиша
халқ учун манфаатли йўлдан
боришларингизни истаيمان.

— Раҳмат.



Ушбу

сонда:

• Йўқолаётган тиллар

5-саҳифа

...Аляска университети олими Мишел Кросснинг
айтишича, сўзлашув тилларининг ярми шу
асрнинг ўзидеяқ йўқолиб кетади.

• ТТТ

8-саҳифа

Бечора мижоз уч кун мобайнида бу даҳшатли
гапларни миясидан чиқаролмай телбаларча
шаҳар кезди. Кейин бирдан фол очирини учун
қўлини фолбинга узатганда қўлқопини ермагани
эсига тушди. Қўлқоп чўчка терисидан қилинган
эди.

Кейинги сонларда:

Икром Искандар

• Қордан ясалган қаср

Ҷаноат Бойхон қизи

• Пушаймон қилмади



Барглр ҳам тўкилди...

Бир куни

“СЕН УБАЙСАН!..”

Кеч маҳали ишдан қайтаётган эдим. Уйга етаверишимда муқошида тўпланиб турган икки-уч нафар ўзим тенгқур йигитга кўзим тушди. Танимаганим боис индамай ўтиб кетаётганимда, бири менга мурожаат қилиб қолди: “Э-э, Убай, қалайсан ошна!..” Ҳа, деб ҳам улгурмасимдан келиб кучоқлаб мен билан кўриша кетди. Сездимки, жиндай кайфи ҳам йўқ эмас. Лекин, маст деб бўлмади. Кўзимга тикилганича, бўлиб ўтган қандайдир воқеани менга тинмай эслатмоққа уринарди. Орада зўрға гапини бўлиб, мен ҳеч қанақа Убай эмаслигимни, бу воқеанинг ҳам менга дахли йўқлигини айтдим. Йўқ. Қаекда. “Менинг исмим Икром, манаву уйда яшайман. Убайни танимайман”, дейишимга

қарамай, деярли таҳдид оҳангда нуқул бир гапни такрорларди: “Сен Убайсан! Дарров эски ошналариингни эсдан чиқариб юбора қолдингми? Яқиндагина сен билан учрашувдик...” Шериклари ҳам ҳайрон.

Шукрки, уй яқин эмасми, акам кўчада турганимни кўриб чақириб қолди. “Ҳозир-ҳозир” билан илла “таниш”имдан кутулиб уйга равона бўлдим. “Таниш”им эса, шерикларига менинг Убай эканлигимни уқдирганича, ортимдан “Убай, Убай” дея чақирганича қолди. Қизик, Убай дегани ким бўлди экан?

Икром ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ғаллаорол тумани



ВОЙ, ҚУРМАҒУРЛАР-ЕЙ

А. САПАРМАТОВ сурати



Айни дамда инсониятни ўйлантираётган ташвишлардан энг каттаси экология муаммосидир. Кишилик жамиятининг атроф-муҳитга таъсири ошиб бориш натижасида экологик вазият кескинлашмоқда. Бу кескинлашув эса, ўз навбатида, экологик мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлаётир.

Шу хусусда биз биология фанлари доктори, экология ва ихтиология кафедраси профессори Тўраҳон опа Раҳимова билан суҳбатда бўлдик. Суҳбатимиз асосан экологик муаммоларнинг ҳосиласи бўлган кислотали ёмғирлар ҳақида кетди.

— Тўраҳон опа, мутахассис сифатида “кислотали ёмғирлар” ташунчаси ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Дунё бўйича ҳар йили

атмосферага кўплаб тахминан 100 миллион тонна олтин гугурт оксиди, азот, галогенлар ва бошқа бирикмалар ажралиб чиқади. Атмосфера ҳавосини ифлослантиришда кўмир, нефть, сланцни қайта ишловчи энергетика қурилмалари, қора ва рангли металлургия корхоналари, кимёвий санюат, авиация ва автомобил транспортининг таъсири бениҳоят каттадир. Кислотали ёмғирлар эса ана шу санюат чиқиндиларининг атмосферадаги намликда эриши оқибатида пайдо бўлади.

— Кислотали ёмғирларнинг атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсири қандай?

— Кислотали ёғин миқдори ўз навбатида сув ҳавзалари ва тупроқни кислотали қилади. Бу эса балиқлар ва бошқа сув организмларининг ўлишига

олиб келади.

Шунингдек, ўрмондаги дарахтларнинг ўсиш тезлигининг пасайишга ва қуришига сабаб бўлади.

— Хорижий давлатларда ҳам бунақанги ёмғирлар хавф соладиган ҳудудлар бўлса керак...

— Кислотали ёмғирлар Германия ва Канададаги ўрмонларга катта зарар келтирган. Скандинавия ярим оролида эса бу нарса кўлдаги балиқлар ҳаёти учун катта хавф туғдирган. Бугунги кунда Германиядаги ўрмонларнинг 20 фоиздан кўпроги қуриб кетиш хавфи остида турибди. Собиқ Иттифоқда кислотали ёмғирлардан зарарланган жойларнинг майдони 46 миллион гектарга етганди.

— Кислотали ёмғирлар қанақанги касалликларни келтириб чиқариши мумкин?

— Асосан аллергия касалликлар юзага келади. Шунингдек, ўпка ракиннинг пайдо бўлишида ҳам бу ёмғирларнинг таъсири катта.

— Сизнингча, бу хавфнинг олдини олиш учун нима ишлар қилиш керак?

— Аввало ҳаводаги газлар концентрацияси кўп жойларда санитар-гигиеник нормаларни шакллантириш, санюат корхоналаридан ажралиб чиқётган чиқиндиларни камайтириш, чанг ва газни тозаловчи янги технологияларни яратиш лозим. Бу нарса экологик ҳолатни соғломлаштириш учун қўйилган яна бир янги қадам бўларди.

Алижон САФАРОВ

Етти кун

“МАҲАЛЛА МЕҲРИ” ДАН БАҲРАМАНД БЎЛИНГ!

Яқинда “Наврўз” нашриёти тарих фанлари номзоди Шавкат Миролимов қаламига мансуб “Маҳалла меҳри” рисоласини чоп этди. Китоб ўз номига кўра “мамлакатнинг чинакам устуни, пойдевори” бўлган маҳаллалар ҳақидаги ибратомуз ҳикоялардан ташкил топган.

ЮЗ ЁШДАН ОШГАНЛАР МАЖЛИСИ

Шеробод тумани ҳокимлиги ва туман уруш ҳамда меҳнат фахрийлари кенгаши биргаликда юз йилдан ортиқ умр кўраётган кексалар билан ажойиб гурунг уюштирилди. Гурунгта иштирок этган табаррук кишилар кўп ибратли воқеалардан айтиб бериб даврага файз бағишладилар. Туман ҳокимияти томонидан 1883 йилда туғилган Бўрон бобо Сойиловга тўн, белбоғ ва дўппи, 1892 йилда таваллуд топган Бўригул Қосимовага бир кўй совға қилинди.

“ЎЗИМНИНГ ЎҒРИГИНА БОЛАМ”

Бегона ўғрини топшидан кўра ўз ичингдан чиққан ўғрини топиш мушкул экан. Жарқўрғон тумани темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш корхонасидан ҳар хил қурилиш материаллари ўғрилганида ҳам шундай бўлди. Корхонанинг бир томонини ўмариб, димонини чоғлаб юрган “ишбилармон” шу ерда ишлайдиган М. исмли одам экан.

ҲОМИЛАДОР БОНКА

Тошкентнинг Қорақамиш даҳасидан 1 кг асал (идиши билан) сотиб олган жанобнинг дастурхон устида пешонаси тиришди. Сабаби, асал ичидан учта кичкина-кичкина бонкачалар топиб олди. Бу “она-бола” тўртала идишнинг ичидан 650 грамм асал чиқди.

ЭЪТИБОР

Денов тумани Собир Раҳимов жамоа ҳўжалиги маъмурияти шу ерда яшовчи юздан ошқ қарияни ҳўжалик боғига тақлиф этди. Қўй сўйиб, қуюқ зиефат уюштирди. Илик суҳбатлардан сўнг чолларнинг ҳар бирига биттадан кўйлак ҳада қилинди.

ДИПЛОМГА КЕЛИБ...

ТошДДА сиргдан ўқийдиган фарғоналик турмушга чиққан қиз дипломини олиб кетиш учун қуевни билан пойтахтга келди. кизиги шундаки, еш келин-куев поезддан туша солиб, тўғри меҳмонхона е ётоқхонага эмас, тўғруқхонага йўналди. Келинпошша ўғил топиб олди.

ФОЙДА КЕЛТИРАДИ

Янгийўл туман миқёсидаги футбол ўйингоҳи ҳам мўмай фойда келтирадиган бўлди. Яқиндан бошлаб “яшил майдон” бозорга айлантирилди.

УРФ БЎЛДИ

Футбол бўйича мамлакат биринчилиги учун курашаётган жамоалар орасида ўз дарвозасига тўп киритиш урф бўлди, чамаси. Энг сўнгги ўйинларда ҳам бу ҳол кузатилади. “Пахтакор” чилар билан тўп талашаётган “Наврўз” (Андижон) жамоасидан Шоимқулов билбми-билмайми, ўз дарвозасини нишонга олди. Ундан кейинги “Пахтакор” — “Нефтчи” ўйинида эса фарғоналик футболчи Лебедев “Пахтакор”га қарашиб юборди, яъни у ҳам ўз дарвозасига гол уриб қўйди.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

ҚАЙТА ТАНИШУВ

Хуллас, галвирни сувдан кўтардик. Бу бизга қанчалар қувонч келтирганини сўз билан таърифлаш қийин. "Оила ва жамият"нинг зийрак ва тоғон ўқувчилари бисёр экан.

Газетамизнинг шу йилги 37-сонда эълон қилинган "Пахта тераётган йигит ким?" сурат-топишмоғига мамлакатимизнинг турли бурчакларида яшайтган юздан ортқ одам хат йўллаб ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди. Ушбу хатларга кўз югуртирар эканмиз, таниқли спорт шарҳловчиси, мўтабар инсон Аҳбор Имомхўжаевнинг шон-шухрати-ю, ҳурмат-эътиборига ҳеч қандай иккиланишсиз тан берасан киши.

... Гапнинг дангалини айтадиган бўлсак, ўтган бир ой мобайнида сурат-топишмоғимизга жавоб тариқасида қилинаётган телефон-қўнғироқларидан қулоқ-чаккамиз қизиб, қизариб кетди. Мухими, фикр билдираётганларнинг аксарияти ўз зукколиклари билан: "Бе, бу киши таниқли футбол шарҳловчиси Аҳбор Имомхўжаев-ку", дея бизни лол-қолдирди. Қўнғироқлар сўнгида ҳар гал: "Жавоблар юзасидан телефонлашаётганларнинг аксарияти Тошкент шаҳридан. Улар Аҳбор акаимиз стадионларда, кўча-кўйда, спорт мусобақаларининг ташкилий масалалари ҳал қилинаётган паллада кўп учратган, шунинг учун шартимизга тўғри жавоб топмоқда. Бошқа вилоятдагилар барибир суратдаги кишини таниб ололмайди," деган ўйга борардик. Бироқ, ушбу ўй ва тахминларимизнинг ҳаммаси пучга чиқди. Вилоятлардан хат йўллаган ўқувчиларимизнинг сал кам 70 фоизи сурат-топишмоғимизга тўғри жавоб топшиган.

Бизнинг сурат-топишмоққа хат йўллаганларнинг анча-мунчаси футбол шарҳловчиси Аҳбор Имомхўжаев билан у кишининг ўғли Аббор Имомхўжаевни бир-бирдан ажрата олмаган. Аслини олганда, уларнинг жўнатган жавоблари тўғри бироқ, Аҳбор аканинг ўғли Аббор ҳеч қачон футбол шарҳламаган. У киши яқинда "Пахтакор" командасига бошлиқ қилиб сайланди.

Танишинг: Аҳбор Имомхўжаев (сурат-топишмоғимизнинг қаҳрамони) Тошкент шаҳрида туғилган. Пойтахтимиздаги жисмоний тарбия институтини тамомлаган. Шу даргоҳда ўқитувчи-мураббий бўлиб ишлаган. Шунингдек, Жиззах вилоятидаги ўрта мактаблардан бирида жисмоний тарбиядан ўқитувчилик қилган. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси спорт қўмитасининг футбол бўлимида фаолият кўрсатган. 1989 йилда "Пахтакор" командасининг бошлиғи бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик "Спорт" газетасида ҳамда Ўзбекистон телевидениесида бўлим бошлиғи бўлган. Ҳозир эса мамлакат Футбол Федерациясида ишламоқда. Ўзбекистон журналистлар союзининг аъзоси.

ҒОЛИБ-МУПАРРАХ УСМОНОВА



Буни қарангки, сурат топишмоғимизнинг топқирларидан бири шунчалар қаққон экан, таҳририятга сим қоқишга ҳам сабри чидамасдан тўппа-тўғри хонамизга кириб келди. Биз ҳам "Ҳай, баракалла" дегандек у киши билан қисқача суҳбатлашиб олдик.

— Шайхонтоҳур туманида яшайман. Илгари савдода ишлардим. Ҳозир уйда дам оляпман. Агар янглишмасам газетангизнинг 37-сонидagi сурат ҳурматли футбол шарҳловчиси Аҳбор Имомхўжаевга тегишли.

- Узингиз футбол билан анча-мунча қизиқадиغان кўринасиз?
- Сал пал қизиқишим йўқ эмас.
- Суратдаги киши, эҳтимол қариндошингиздир.
- Йўқ. Дастлаб у кишини мен яқин танишимга ўхшатдим. Зимдан эътибор берсам бошқа одам экан.
- Спортчи ўғил-қизларингиз борми?
- Йўқ.
- Аҳбор Имомхўжаевни яқиндан кўрганмисиз?
- Шаҳар метросида кўрганман. Саломлашмоқчи бўлдим-у, уялдим.

Опахон билан бошқа мавзуларда ҳам анча суҳбатлашдик. Ҳатти-ҳаракатлари дадил, ҳамда сариштали она эканлигидан, аёл киши бўлатуриб, футболга қизиқишдан роса қувондик. Рўзғор ташвишларидан вақт орттириб таҳририятимизга келганига ҳам қойил қолдик. У киши сурат-топишмоғимизга энг биринчи бўлиб жавоб топганлигини ҳамда ишимиз юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини вақтида билдирганлиги учун кўпчилик номидан "Пахта тераётган йигит ким?" топишмоқ сўровимизнинг ғолибаси деб топдик.

Мупаррах Усмонова — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Ялангкор кўчаси, 41-уйда яшайди. 42 ёшда. Ўғли Нурилла — рассомчиликда ўқийди. Қизи Дурдона, тикувчи. Энг кичик фарзанди Ҳикматилла ҳозир 5-синфда ўқияпти. Турмуш ўртоғи эса ҳайдовчи бўлиб хизмат қилмоқда. "Оила ва жамият" ўз ўқувчилари номидан сурат-топишмоғимизнинг ғолибасини чин дилдан қўтлаб улкан оилавий бахт тилайди.

ЗЕХНИ ЎТҚИРНИНГ ЎЗИ ЎТҚИР

«Пахта тераётган йигит ким?» сурат - топишмоғига жавоблар

НОТЎҒРИ, АММО ҚИЗИҚ ЖАВОБЛАР

Газетамизни зимдан кузатиб борган ҳамда топишмоғимизга ўз вақтида жавоб йўллаган, бироқ тўғри жавоб тополмаган хатларнинг айримлари билан танишинг: "Газетангизда эълон қилинган "Пахта тераётган йигит ким?" сарлавҳа остидаги расм-топишмоққа жавоб топишга мен ҳам жазм қилдим. Уша шартларингизни ўқидим-у, кўз ўнгимда мамлакатимиз фахрийлар кенгашининг раиси Бектош Раҳимов гавдаланди.

Бектош Раҳимов студент бўлган пайтлари Жиззах вилоятида совуқни-совуқ, иссиқни-иссиқ демай пахта йигит-терими машаққатларини таътиган инсон. Демак, 37-сонларингиздаги сурат Бектош Раҳимовники. Ҳурмат билан Жибак Аҳадова, журналист. Самарқанд вилояти, Пойариқ райони маҳаллий радио эшиттиришлар муҳаррири.

"Ҳурматли таҳририят! "Оила ва жамият"нинг 37-сонидagi "Пахта тераётган йигит ким?" саволинигизни ўқиб қўйидагича жавоб ёзмоқдаман. Уша суратдаги киши — Шарафхўжаев Мурод ака бўлади. Иқтисод фанлари доктори, профессор. Хат йўловчи Аҳмедова. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани".

"Ассалому алайкум, таҳририят ходимлари! Газетангизда босилган (37) суратдаги киши менимча таниқли олим Эркин Юсупов бўлсалар керак. Эҳтиром ила: С. Шодиев. Бухоро шаҳри".

"Ҳафтаномангизнинг "1994 йил сентябрь, 37-сонда чиқарилган расм-топишмоқнинг шартларини ўқиб мен ҳам хат ёзишга киришдим. Ушбу сурат Наби акамга (Наби Раҳимовга демоқчи) тегишли. Андижон вилояти, Олтинкўл туманида яшовчи О. Яхшибоев".

"Ассалому алайкум ҳурматли "Оила ва жамият" редакцияси ходимлари. 1994 йилнинг сентябрда 37-тартиб рақами билан чиқарилган газетадagi "Пахта тераётган йигит ким?" савол-топишмоқларингизга менинг жавобим шу: У киши кўп йиллардан буён ўз мухлислари олқишига сазовор бўлиб келаётган ҳамда "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" телекўрсатувини олиб борувчи Орифхўжа ҳожи Алимасумовдир. Тошкентлик мухлисингиз Ж. Обидова".

Ушбу жавоблар билан танишган ўйланиб қоларкансан киши. Демак, одам-одамга жудаям ўхшар экан. Мана биргина Аҳбор Имомхўжаевни газетамиз ўқувчилари турли соҳаларда ишлайдиган замондошларимизга ўхшатишган. Қўлимизда шу тариқа нотўғри жавоб йўллаган хатлардан яна анчаси бор. Уларда муаллифлар Аҳбор аканинг суратини Ҳусан Шарипов, Эргаш Каримов, Таваккал Қодиров, Тўлаған Исоқовлар деб ёзишган. Биз учун энг муҳими, жавобларнинг нотўғрилиги эмас, балки юртимизда кўпчилик элнинг олқишига сазовор бўлган ва ёшлиғи бир-бирини эсга солувчи шунча кишиларимиз борлигидир. Уларни элимизнинг дилида асраб келаётганидир. Алқисса, ўғлонлари бир-бирга ўхшаган юртинг ўтмиши — тарихи унутилмасдир. Ўз тарихини унутмайдиган халқ эса, ҳаммиса имон-этиқодли, инсоф ва адолатлидир.

ТЎҒРИ ЖАВОБЛАР

Савол-топишмоғимиз юзасидан таҳририятимизга хат йўллаганларнинг, ярмидан кўпроғи тўғри, яна озроғи эса, сал чалароқ жавоб топганларнинг ҳаммасига катта миннатдорчилик билдириб, келгуси ҳаётида улкан ютуқлар тилаймиз.

1. Охунвалар оиласи. Фарғона вилояти, Кувасой шаҳри. Раҳмоналиев жамоа хўжалигининг Найман қишлоғидан.
2. Эшонқўлова Гулнора. Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри, Ровот маҳалласи 7-уй.
3. Ш. Ражабов. Х. Ортиқов. Тошкент Тўқимачилик ва энгил sanoat институтининг талабалари.
4. Салимов Баҳодир. Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 258-ўрта мактабнинг 7-"Д" синф ўқувчиси.
5. Муҳаммадосупов Алишер. Тошкент шаҳар, Сирғали туманидаги Чоштепа кўчаси, 141-уй.
6. Кенжаев Илҳом. Хоразм вилояти, Хозарасп тумани.
7. Баратова Жамила. Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Литовская кўчаси, 11-"а" уй.
8. Зиёдов Эргаш. Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, "Дўстлик" жамоа хўжалиғи.
9. Жуманов Фарҳод. Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, "Коммуна" жамоа хўжалигининг Обиҳаёт қишлоғи.
10. Исломов Жаҳонгир. Фарғона вилояти, Риштон тумани, Дутир қишлоғи.
11. Ҳошимов Ҳусан. Тошкент шаҳри, Юнусов кўчаси, 2-уй.
12. Болтаев Урол. Қашқадарё вилояти, Фузор шаҳри.
13. Абдураҳмонов Муҳиддин. Самарқанд шаҳри, А. Икромов кўчаси, 89-уй.
14. Қўчқоров Қувондиқ. Хоразм вилоятидан, ТошДУ тарих факультетининг толиби.
15. Хидиров Икром. Тошкент Болалар тиббиёт олийгоҳининг 3-курс толиби.
16. Собитова Зулайҳо. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, 2-Оқсой кўчаси, 40-уй.
17. Хидиров Бобоназар. Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 31-уй.
18. Санаев Муродулло. Қашқадарё вилояти.
19. Усмонова Дилдора. Тошкент шаҳри, Полтова кўчаси, 11-уй.
20. Исаев Эгамберди. Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани.
21. Акбаров Иномжон. Фарғона вилояти, "Ўзбекистон" тумани.
22. Нормуродов Рамазон. Тошкент вилояти, Анғрен шаҳри.

Таҳририят 20 октябргача келган жавобларни ҳисобга олди.

«Оила ва жамият» 42 [165]

Биродарқушлик уруши...

Катогонлар, қурбонлар, хунрезликлар, шаҳар-қишлоқларнинг куйиб кул бўлиши, норасида гўдакларнинг завол топан умри.

...Буларнинг барчаси Тожикистон фожеси эди.

“Қўшнинг тинч-сен тинч” нақлига амал қилган ҳолда биз оёсийишта ҳаёт кечириётганлар ҳам бу юртга бепарқ қарамаслигимиз даркор. Чунки, Тожикистон фожеси барчага бирдек сабоқ бўлиши лозим.

Уруш кўрган болалар...

Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб улгурмаган гўдаклар бошига ҳам тақдир ўз ҳукмини ўқиди. Улар уруш исканжасида қолдилар, даҳшатларни ўз кўзлари билан кўрдилар. Одам боласи бўла туриб, айтишга тил ожиз, кўришга кўзлар сўқир бўлдилик ситамларни ўз биродарлари бошига солган кўрнамақлар қилмишини кўришди. Улар ҳам ўт-олов орасида қолиб кетишди.

Уруш кўрган болалардан бири Тўхтасин Ботиров. Қўрғонтепа вилояти, Вахш тумани, “Садвинсовхоз”

йилларини қайта топгандек бўлади. Кўзларидан еш сизиб чиқса-да, секингина кулимсираб қўяди. Ўртоқлари ва тенгдошларининг исмларини эслайди. Не бўлса ҳам, киндик қони томган юрт-да, боланинг гап-сўзларидан ўша қишлоқни соғинганлигини сезаман.

— Бир куни мактабдан келсам, — дейди у. — Отам хафақол ўтирибди. Онам эса тасалли бераяптилар. Сездимки, нимадир бўлган. Аммо, сўрашга ботина олмадим. Эртаси куни мактабга келсак, Тожикистонда уруш бошланганлигини эшитдик. Бироқ, қандай-уруш, ким-ким билан урушайти, ақлим етмади. Ўша кундан бошлаб қишлоғимизда ҳам тинчлик йўқолди. Дастлаб, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб қозоқлар кўчиб кетишди. Кейин немислар, ўрислар, кавказликлар, орқасидан тоторлар ҳам жўнаб кетишди. Биз болалар нима бўлаётганлигига ҳали тушуниб етганимиз йўқ эдик. Бир кечаси отам кўчириотлар ҳам Сурхондарега кўчиб кетишганлигини айтиб қолди. Биз Фарғона водийсидан бу еқларга кўчиб

укаларим жой бўлишди-ю мен сизмай қолдим. Улар Сурхондаре вилоятининг Бандихон деган жойига кетишди. Кўч-кўрон, уй-жой, мол-ҳол эгасиз қолиб кетди. Эртаси куни қочиб кета олмаган кишиларга қўшилиб, мен ҳам уйдаги отни миниб, ҳарна жонни олиб қочганимиз афзал деб, қир-адирлар орқасида, тоғ ен бағрида жойлашган бобомнинг ошнаси — Боймат бобоникига қараб жўнадик. Ҳар туғул Боймат бобонинг уйи кўздан пана, хавфдан ҳолироқ эди-да.

Тўхтасин уруш даҳшатларини ҳикоя қилар экан, менинг юрагимга оғриқ қиради. Уни сўзлашдан тўхтатаман. Бир муддат қандай ўқиётганлигини, қийинчиликларни энгиб яшашга ўрганиш туфайли худди катталардай



йиғлайди. Гапираяпти ҳамки кўзларида еш. Менингча, даҳшатлар одам қалбини кемтик қилиб қўяркан. Мен ҳали уруш кўрган қарияларда кўрмаган, туймаган ҳаяжонни ана шу гўдакда кўрдим, туйдим. Тўхтасинлар оиласи ҳам жўжабирдай жон. Отаси Эргаш Ботиров — ирригатор, онаси Рокья Ботирова — уй бекаси. Сингиллари Вилоят, Шоира, Мунира, укаси Мақсудлар ҳали мактабда ўқишади. У еқда бинойидек яшашаётган эди. Данғиллама ҳовли-жойлари, энгил машиналари, яхшигина иш-ускуналари бор эди. Уруш даҳшатларидан қочиб, бугун Қашқадаренинг чекка қишлоғидаги уйда туришибди. Ота-онаси бобовлик қилишмоқда. Тўхтасин ҳам, сингиллари ҳам ота-онага ердан беришади. Тўхтасин ҳам, Вилоят, Шоиралар ҳам худди катталардай фикрлашди ўрганишган. Ҳаётни теран англай олишади. Ҳали кўлар қаерда, қандай уруш бўлганлигини ҳам аниқ-тиниқ билмайди. Уруш кўрган болалар эса...

...Қишлоғимизда Иван ака деган қозоқ йигити яшарди. Унинг хотини Феруза опа эса бизнинг энг суякли муаллимаси эди. Ана шу Иван аканинг шоҳлари тарвақайлаб кетган катта кийиғи бўларди. Ўша Боймат бобо билан қишлоққа келган куним ички бир интиқлик билан ўша кийикни қидирдим. Иван аканинг уйига кирсам оғилида бордоғлик қолиб кетибди. Деразадан кириб, ипини кесдим. Кийик менга шундай суйқанди, шундай суйқанди, эриб кетдим. Мен ҳам, кийик ҳам, йиғлардик. Кейин кийик орқадан қолмасдан қир-адирларгача эргашиб келди. Боймат бобо изимизни билдириб қўямасин деб кийикни қайтариб юборди. Шундан сўнг кийикни қайтиб кўрмадим...

Иккинчи бир жабрдийда, уруш кўрган бола — Уқтам Ботиров, у ҳам Тўхтасин билан бир мактабда ўқиган, қочиб жон сақлаб қолганлардан бири.

— Турилган юртим ўзига оҳанграбдек тортиди, — дейди у ҳам кўзда еш билан. — Барибир кетаман. Жаллодларга қарши курашиб бўлса-да, Тожикистонда — киндик қоним тўқилган юртда яшайман.


Уруш кўрган болалар...

Уларнинг суҳбатлари, ҳикоялари адо бўлмайди. Мен эса, бундай оғир суҳбатга чидаш бера олмайман. Эшитганларимнинг ярмини езган бўлсам-да, нуқта қўзаман.

Жалол ЯХШИБОВЕВ,
Қашқадарё вилояти

Таҳририятдан: Ҳурматли муштарийлар! “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил”, дейди халқимиз. Ушбу мақолани чоп этишимиздан кўзлаган мақсадимиз ҳам шун. Яъни, юрт тинчлиги, хотиржамлиги энг катта бойлик эканини ўқитиб ўттириш. Зеро, мамлакатимиз Президентининг энг кўп такрорлаган гапи ҳам шун, яъни, юрт тинчлиги. Хуллас, гапнинг индаалосини айтадиган бўлсак, муаллиф таъкидлаганидек: “Тожикистон фожеси ҳаммага сабоқ бўлиши лозим!”

Тўхтасин ўзини тутолмайди, нукул



хўжалигидан. Айни пайтда Қашқадарё вилояти, Нишон туманига қарашли Ҳамза номли жамоа-ширкат хўжалигида ота-онаси қармоғида яшайди. Й. Охунбобоев номли ўрта мактабнинг XI синф ўқувчиси. Уруш туфайли энг катта талофат кўрган, ўт-оловнинг орасида қолган вилоят Қўрғонтепа ҳисобланади.

— “Ҳаёти нав” кўчасида яшардик, — дейди Тўхтасин. — Қишлоғимиз жуذا ҳам баҳаво ерда жойлашганди. Қишлоқ ўртасида шарқираб сой оқиб ўтарди. Ҳамма томон бор, хўжалигимиз кишилари боғдорчилик билан шуғулланарди. Тўрт томон ҳам узумзор, одамлар бой-бадавлат яшарди. Тоғ ҳам яқингина эди. Биз бахтли болалар эса ҳаётни ўйин-қулидан иборат деб тушунаганмиз. Совхозимизда даярли барча миллат вакиллари истиқомат қилишарди. Энг кўпи ўзбеклар, тожиклар эди. Ундан ташқари, ўрислар, тоторлар, қозоқлар, лақайлар, қарликлар, кўнгиротлар, кавказликлар ҳам бор эди. Мактабимизда асосан икки тил ўзбек ва тожик тиллари ўқитиларди. Ўрислар, немисларгина ўрисча ўқиншарди.

Тўхтасин болалик йилларини ўзгача бир ҳузурбахшлик билан эслайди. Сўзлар экан оғир-оғир ух тортади. Бозлага халақит бермайман. У кўзларини юмиб олиб сўзлайверади. Ғўе, ўша тоғ ен бағирларида, қир-адирлар орасида ешлик — болалик

келган эканмиз. Хуллас, қишлоқда ўзбеклар, тожиклар, лақайлар, қарликлар қолишди. Ҳар куни ваҳимали гаплар тарқала бошлади. Боғлардаги ишлар қолиб кетди. Мактаблар епидди. Уруш уруш эмас, ваҳимаси, миш-миши уруш экан. Ҳар ким боши оққан томонга қараб қоча бошлади. Чунки, вилоят маркази — Қўрғонтепада содир бўлган ва содир бўлаётган киргинбаротлардан ҳамма воқиф эди-да. Хуллас, бир кечаси бизнинг қишлоғимизга ҳам БТРлар кирганлиги ҳақидаги хабар тарқалди. Йиғлаган ким, сиқтаган ким, қочган ким. БТРлар қишлоқ аҳолисига зарар етказмади. Қишлоғимиз мулласи Санғали маҳсумнинг уйига келиб қайтиб кетишди. Кейинчалик, отамнинг ўқитиришича, маҳсумнинг обрўси жуذا баланд экан. Шу боисдан ҳам қишлоғимиз оёқ ости бўлиб кетмаган. Олдин кўлобдиклар келиб, ўз томонларида туришларини тавқиллаб кетишган. Кейин, қоратегин-гармликлар келишган. Санғали маҳсум эса икки томонга ҳам қўшилмади. Аммо, уруш қишлоқларга ўз нуқсини етказганди. Қишлоқларнинг ҳам оёқ ости бўлиши муқаррарлигига кўзи етган тожиклар ҳам, ўзбеклар ҳам, лақай-у қарликлар ҳам қоча бошлашди. Бир кечаси бизлар ҳам бор-йўқ қиядиган кийимларимизни, кўрпа-тўшакларимизни олиб, қочиб ҳозирлик кўра бошладик. Афсуски, энгил машинамизга отам-онам,



Кузак оҳанглари

БАЛИМОВ сурати

Маслаҳатлар

Ораста бўлинг

СЎГАЛ

Сўгал тери устида пайдо бўладиган юзаси гадир-будир еки ясси думалок, нўхатдек кўринишдаги хавфсиз ўсмадир.

Сўгал хар хил зарарли микроблар туфайли пайдо бўлиб, у юкунлидир. Кўпинча сўгал бармоқларда, юзда, оёқ тагида юзага келади.

Одам қирқ-элликдан ошгандан сўнг эса баъзи кишиларда кўкракда, елкада, бўйинда кичкина-кичкина ясси сўгал чиқади. Бу сўгалларни вирусли инфекцияга алоқаси бўлмайд қарилли сўгаллари дейилади.

Сўгал одамни унчалик безовта қилмаса-да, юза қисмда пайдо бўлганлари бирор нарсага тегса қонайди, оғрийди, кўл-оёқларингизни хунук кўрсатади. Оёқ тагида пайдо бўлган сўгаллар эса қадокка ўхшаб қалалади, оғрийди.

Сўгални ўзингизча йўқотиш, олиб ташлашга уринманг. Улар зарарлини хавфли ўсмадарга ҳам айланиши мумкин.

Сўгални косметолог, дерматолог врач олиб ташлайди.

ҚАЗҒОҚ

Соч — кўзгу, дардингиз, ҳасратингиз,

ҳатто кайфиятингиз аксидир. Бирор воқеадан қаттиқ азият чекканда одамни нерв системасини толиқиб оқибатида соч ранги дарҳол хиралашиб тўқилади, оқаради. Яна бир емон касаллик одам углеводларни, мол егини, шўр нарсаларни кўп еганда тери еги ажралиши кўпаяди. Тери тангалари бирига епишиб қазоқ (себорея) касаллиги пайдо бўлади.

Куруқ қазоқда соч мўрт, ранги хира, куруқ бўлади. Бош териси майда оқ қазоқлар билан қопланиб, сочни тараганда тўқилади. Бундай сочни кўпи билан ҳафтада икки марта "Ланолиновое", "Косметическое" совун билан ювиб, ювиш олдида бош терисига сал илтиланган ўсимлик мой суртиш тавсия этилади. Дорихоналарда сотиладиган қариқиз ўти мойини ҳам ишлатса бўлади. Шунингдек, сервитамин таомлар ейиш, ширинликларни, егини ва шўр овқатларни эса камроқ истеъмол қилиш керак.

Баъзи маълумотларга қараганда қазоқ юкунли эканлиги ҳақида сўз юритилади. Гарчи бу тахмин тўла исботланмаган бўлса-да, тароқ, бош кийим хар бир кишининг ўзида алоҳида бўлиши лозим.

Қазоқ пайдо бўлганда биринчи навбатда дерматолог врачга мурожаат

қилган маъул. Чунки бошқа тери касалликларида ҳам (псориаз, темпратки) тери силда ҳам тери нўст ташлайди. Шунинг учун врач қазоқ нима сабабдан пайдо бўлаётганини аниқлайди ва қазоқдан қутулиш усулини айтиб беради.

СЕПКИЛ

Сепкил кўпинча баҳорда қуёш нурлари таъсиридан пайдо бўладиган оч жигар ранг майда доғлар бўлиб, енокка, бурун устига тошади. Куз ва киш фаслларида сепкил деярли билинмай қолади. Мана шунинг учун ҳам доим бошга айвони бош кийим кийиб юзни қуёшдан асраш керак.

Агар юзингизга ана шундай сепкил тушса албатта, бодринг еки лимонни кесиб қўйиб, кунига бир неча марта юзингизга ишкалаб суртинг ва 5-10 минутдан кейин илиқ сувда ювиб ташланг. Бир боғ петрушкани ярим литр сувда қайнатинг ва у билан юзингизни ювинг. Бу муолажа юздаги сепкилларни кеткизибгина қолмай, юзингизни оқартиради ҳам.

Дераза

ЙЎҚОЛАЁТГАН ТИЛЛАР

Жаҳон аҳолисининг аксарият қисми Ер юзида тарқалган тилларнинг бор-йўғи 3 фоизда гаплашишар экан. Жаҳондаги қолган 95 фоиз тилда эса 500000 нафардан камроқ одам гаплашади. Ана шу тилларнинг, улар билан биргалликда мазкур тилларда гаплашувчи элатлар маданиятининг йўқ бўлиб кетиши хавфи жуда катта. Аляска унверситети олими Мишел Кроссинг айтишича, сўзлашув тилларининг ярми шу асрнинг ўзидаёқ йўқолиб кетади.

КАНАДАДА

Мамлакат статистика бошқармаси кашандалар ўртасида сўров ўтказди. Сўровда иштирок этган 13 минг кашандалардан 40 фоизни ўтган йили шу ярамас одатлардан воз кечишга жазм этиганини айтишди. Дарвоқе, бу мамлакатда барча жамоат жойларида чекишни таъқиқлаш борасида жиддий қоманния кетаяпти.

Мутахассислар кашандаларда чекишни ташлаш истаги оммавий тус олаётганини бир қанча сабаблар билан изоҳлашмоқда. Чунотчи, сигареталар баҳоси доимий равишда ошиб бормоқда, чекишга қарши турли компаниялар уюштирилмоқда, одамлар тўпланадиган кўплаб жойларда "тутатиш" мутлақо таъқиқланмоқда. Ва ниҳоят "кўргазмали ташвиқот" борган сари кўп кашандаларни ўз соғлиги ҳақида қайғуришга мажбур этмоқда.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА

АҚШда ҳам "ўзига чоқ қазувчилар" сони камаймоқда. Бироқ Холливуд ўз қаҳрамонларининг "бурқситиб тутатишини" армонсиз кўз-кўз қилишдан чарчамаяпти.

Кино экранда чекиш тиббиётчиларнинг оммавий норозилигига сабаб бўлмоқда. Гап шундаки, авлод саломатлиги қайғуси ейиладиган бўлса-да, ўсмир томошабинлар ўз севили қаҳрамонларига тақдир қилишни яхши кўрар экан. Тадқиқотлар натижасида эса филмларда ижобий қаҳрамонлар кўпроқ чекиши маълум бўлди.

Бунинг сабаби пулда экан. Тамаки корчалонлари атайин чекувчи ижобий қаҳрамон образини "илоҳийлаштиришга" ҳаракат қилишмоқда. Бунинг бир мисоли, "Филл Моррес" компанияси "007 супер агент" Жеймс Бонд ҳақидаги навбатдаги филм учун 350 минг доллар тўлади. Бунинг эвазига эса филмининг навбатдаги "Улимга рухсатнома" қисми қаҳрамон филмда ушбу фирма сигаретини кетини ўзмасдан чекиб туришини илтимос қилди.

ЎФИЛ ИСТАСАНГИЗ — БАНАН ЕНГ

Кўнгил истагига қараб фарзандли [ўғилли еки қизли] бўлишни ким ҳам истамайди дейсиз? Кўплаб эр-хотинларни ташвишлантириб келаётган бу муаммо, афтидан, яқин келажақда ўз ечимини топадиганга ўхшайди.

Америкалик олим Чикагодаги Дюк унверситети профессори Кинет Глэндер маймулларни ўрганиб насл жинси уруғланиш пайти қивининг қанақаси кутб [мусбат еки манфий] ҳолатида бўлишига боғлиқ бўлишини аниқлади. У худди магнит сингари қизлик еки ўғиллик уруғини е тортар, е итарар экан. Кўтланиш ҳолати эса қанақа овқатланишга боғлиқ экан.

Ушбу тажриба одамларда синаб кўрилганда икки хил овқатланиш тартиби тақлиф этилди. Тажрибада иштирок этган аёллар ушбу тартибга бир ой амал қилишди.

Ўғил туғишни истаган аёллар қўзқорин, банан, каштан — каллига бой маҳсулотларни истеъмол қилишди. Айни пайтда бу маҳсулотлар иложи борича тузлаб ейилди. Сутли маҳсулотлар, тухум, сабзавот ва ҳўл меваларни ейишдан иложи борича ўзларини тийишди.

Қиз туғишни истаган мижозлар эса бунинг тескарисига амал қилишди. Улар овқатни ҳам тузсиз ейишди. Париждаги Порт-Ройял туғруқхонасида 1977-1983 йиллар мобайнида 388 аёл ана шу тавсия асосида синовдан ўтди. 82 фоиз ҳолатда кутилган натижага эришилди. Хуллас, яқин келажақда истакка қараб ўғил еки қиз кўриш қўлдаги гап бўлиб қолса ажабмас.

ХОРИЖ МАТБУОТИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ



Ж.ҚОЗОҚ сурати

ТАЪБИҚЛАЙМИЗ!

Ҳурматли ўқитувчимиз Суръат ака БОБОЕВ!

Сизни 5 ноябрда 25 ешга тўлишингиз муносабати билан чин юракдан табриқлаймиз. Сизга порлоқ ҳаёт, узундан-узун умр тилаймиз.

Ҳурмат ва эҳтиром ила: ўқувчиларингиз Янгиўл тумани

ОЙНИСАОЙ!

Икки ешинг қутлуг бўлсин! Болалигинг — подшоҳлигинг. Болалик салтанатининг маликаси бўл!

Ойижонинг Оля, Даданг Рустам, опанг Хонбуви ва акаларинг

Азиз опамиз ҲАЁТХОН!


Турилган кунингиз билан табриқлаймиз. Сизга жамик еруғ, эзгу тилақларимизни тилаймиз. Доимо сиҳат-саломат юринг. Чехрангизда доимо тоғтинг мусаффолиги, гулларнинг назокати ақ этиб турсин деб укаларингиз Норбобо, Аббор, Умиджон ОҚМИРЗАЕВЛАР, Яққабоб шахри.

Ҳурматли Раъно!

Сени 15 ешга тўлишинг муносабати билан чин қалбимиздан табриқлаймиз. Сенга узоқ-умр, бахт-саодат, ўқишларингга муваффақиятлар тилаймиз.

Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлин!

Ойинг Ойбахор, аканг Музаффар, синглинг Нигора, холаларинг Насибохон, Шарофатхон ва Малоҳатхон! Тошкент шахри



28 ЁШДА

Фарғонадан, уйланмаган истараси иссиқ, келишган, [чет элда олий маълумот олган, банк ходими], очикўнгил ўзбек йигити, бўйи 172 см, 26 ешгача бўлган Тошкентлик [квартираси бўлган] турмушга чиқмаган, одобли, чиройли қиз билан турмуш қурмоқчи "Оила-376."

65 ёшда

Тошкент шахрида катта участкада елғиз ўзим яшайман. Пенсиям бир онлани боқишга етади. Меҳрибон, оқибатли 60 ешгача бўлган аёл билан қолган умримни бирга ўтказсам. Қайси шаҳар ва вилоятлик бўлишдан қатъий назар кўчиб ўтишим, квартирамни сотишим мумкин "Оила-377."

Карим БАҲРИЕВ

ДУНЁ

Дунё, ноён дунё, ростми ё ёлгон дунё.
Биздан ҳам қолғай охир ҳаммадан қолгон дунё.
Самовот қоп-қорадир, замин кетиб борадир,
Одам шамдай ёнадир, ёнмаган шамдон-дунё
Айланар чарх-давронлар, ўтаверар инсонлар,
Ҳаммаизни кузатиб қолажак кўрғон дунё.
Уйғонди дашт-ёбонлар, ер устида — хазонлар,
Ер остида илонлар — уйғонди уйғон, дунё.

"Биз кетмондан номли, сен эса — тилдан!"
Сайраб юрган эдим ҳар бир манзилда,
Сиз кетиб бир сўзга тилим келдими?
Бир кун айтибди Ҳақ пайғамбари:
"Делнинг паноҳи — эри ё қабри!"
Кетганга-раҳмати, қолганга сабри,
Паноҳингиз ердир, нолам келдими?
Сизни тангри олди бир қиш оқшоми,
Тез кунда қиз берди менга иболи,
"Она қизим дейман" энди Раънони.



«СЕВАМАН... АЙТМАСДАН ЎЗИНГА ҲАМ»

Тушишда замон ўзга, кўз очсам жаҳон ўзга,
Айт, қай бири саробу қай бири аён, дунё.
Майса товоним тилди, сочимга ел осилди.
Жуда яшагим келди, эй, бағри ўпқон дунё.
Кетмоқ бизни кўрқитмас, ул дунёга қўл етмас,
Боламизни асрагил бизларни олгон дунё.
Карим, сенга йўл бўлсин, борар еринг гул бўлсин,
Биз кетсак ҳам юрт қолсин, кўзи ҳаросон дунё...

ҲАРОС ВА РАЪНО

Дунёси шу экан — розим қоладир,
Кўлим кетиб борар, озим қоладир,
Бобом шароб ичиб пишла кўйган —
Токчада мунғайиб сазим қоладир.
Вақт олти раҳмсиз юлиб кетажак,
На кибр, на қадди ғозим қоладир.
Ҳар тўлки қошида турланганим йўқ,
Эт қолмаганда ҳам юзим қоладир.
Бу сўз кўйлагимни эгиндан ечдим,
Эрта мени ечиб бўзим қоладир.
Қалбимга етмади василга етган,
Дилдида асраган сўзим қоладир.
Юрагим ёнадир, кетар нурларим,
Ешлар оқиб тугар, кўзим қоладир.
Ҳаётда чўкмадим ҳеч кимсага тиз,
Товонимда босган изим қоладир.
Изимда ўт унар, балким мен оққан —
Анҳорлар сувишда тузим қоладир.
Агар мендан ҳеч не қолмаганда ҳам,
Шу икки халқан қизим қоладир...

ОНАМ ХОТИРАСИГА

Йўлларга мунғайиб боқдингиз нотинч,
Эшик ғичирласа: "Болам келдими?"
Болагиз очмаган эшикдан бир кеч
Ногоҳон мунғайиб ўлим келдими?
Хоксорга ешилар бор барча дарди,
Куйдингиз, бизларга қўнмай бир гарди —
Мана, Сиз совумай мен едим туртки,
Юрак-қон, кўзимга жолам келдими?
Дердингиз гоҳида қувониб дилдан:

Онам кетган жойдан болам келдими?
Дамлар ўтиб борар бир дам кетидан,
Одам кетавериб одам кетидан,
Аввал момом кетди. Онам — кетидан.
Секин-секин менинг галлим келдими...

ТИЛОВАТ

(Туркумдан парчалар)

Оллоҳим, салламо азобинг учун,
Бошимга тизгинсиз ғамлар ташладинг —
Бошим кўкка етди, азобларингга
Бандалар ичидан мени танладинг.
Ташаккур, тишимни тишимга босдим.
Жонимда товусисиз, нурли куласан...
Ғамлар юборибсан, демак, дунёда
Менинг борлигимни биласан.

II

Ё Оллоҳ, бандангман — дилафгор қилма,
Номард эшигида талабгор қилма.
Олам жамолига айлама ошиқ,
Ғайрлар нонига харидор қилма.
Хор қилма, хор қилма, хор қилма,
Оллоҳ.

Дунё жуда гўзал, гўлдай санамлар,
Райхоннинг барғида сузар шабнамлар,
Нозикбел майсалар эшилди ўйнар,
Утар бу ширин кун, ойдин оқшомлар.
Ўткинчи ширин кун, ойдин оқшомлар,
Ўткинчи дунёга ер қилма, Оллоҳ
Бу кўҳна қоинот ичинда мен ҳам —
Эниб кетаётган милтироқ бир шам.

Ўзинг мадад бергин. Сен кутқармасанг —
Кутқара олмайди баъзида одам.
Инсонни инсонга зор қилма, Оллоҳ.
Ҳамма ишимизни кўриб турибсан —
Юракларни пок қил, дарезабон бер,
Йўллар тор, дилларни тор қилма, Оллоҳ
Борарман исмингни дилдида қўтлаб,
Бошида айланар нотинч булутлар.
Оёғимга тинмай осилар ўтлар.
Безовта силкинар терахлар,

тутлар,
Дарахтни бешик қил, дор қилма, Оллоҳ.
Ўткинчи дунёга ер қилма, Оллоҳ,
Инсонни инсонга зор қилма, Оллоҳ,
Йўллар тор, дилларни тор қилма, Оллоҳ.
Дарахтни бешик қил, дор қилма, Оллоҳ.
Хор қилма, хор қилма, хор қилма, Оллоҳ...

III

Бу поёнсиз, улкан дунёда
Инсон бир гард кабидир, эвоҳ
Одамларга тўлган дунёда
Ҳеч одамни унутма, Оллоҳ,
Инсонни ғам билан қолдирма якка,
Ҳеч кимни йўқликнинг қаърига олتما,
Фозилга йўл бергин, дил бер номардга,
Мени ҳам унутма.
Тоқим қуёш чиқар саҳарда
Самовотда ер кезар тоқим —
Бу заминда, бу осмонларда
Ўзингсан ҳоким, Оллоҳим.
Беморга шифо бер, ҳайт-соғларга,
Елғизга йўлдош бер,

юпунга-тузма
Саҳрога ёмғир бер, ел бер тоғларга
Мени ҳам унутма.
Бойларга инсоф бер, ғарибга сабр,
Ботирга от бергин, бевага-ҳутба.
Ўлганда бер майин тупроқли қабр,

Мени ҳам унутма.
Ёзда нур соч, қишда қор ёғсин,
Дарёларда балиқлар оқсин.
Кар қулоқлар очилсин, Оллоҳ,
Кўрлар басир-оламга боқсин.
Кимдан ҳам сўрайлик, воҳ, сендан бошқа,
Сендан бўлак ҳеч ким бермас беминнат,
Шафқатини ҳеч кимдан сен дариг тутма

Адашган барчани тўғрига бошла,
Мени ҳам унутма.
Нафси жиловла ва ҳирси совут,
Руҳларни чархлагин, кўнглини кенг қил.
Бешикни ҳам азизлар қошида тенг қил,
Бешиш ариғидан асал, сут ичир.
Тириклик гулини асло сўлитма.
Ғофилни кечиргин, ҳаммани кечир,
Мени ҳам унутма...

(Боши. Давоми 7-бетда).

Анна Ахматовани илк бор 1918 йили Петербургдаги Литейний шохқучасида кўрган эдим.

Шундан сўнг уни 1921 йилнинг августига қадар кўролмадим. Бироқ у, бу йилларда менинг ҳаётимда сирли бир тарзда мавжуд эди. Ахир у, устозим Николай Степанович Гумилевнинг биринчи хотини эди-да. У ҳақда Гумилев доимо хикоя қилиб беради.

— Анна Андреевна, — деганди менга Гумилев, — негадир ҳамisha ўзини бахтиқаро, севилмаган аёл қилиб кўрсатишга ҳаракат қиларди...

Аслида эса мени шунчалар азоблар, таҳқирлар эдики, ҳеч ўғи йўқ. У ўта кетган мағрур эди, ўзини ўзи камситар даражада мағрур эди. Аммо шунчалар жозибали эдики, унга бўлган муҳаббатимнинг бош-адоғи йўқ эди!

Имоним қониқ эдики, Гумилев ўзининг кўпдан-кўп ишқий саргузаштларига қарамадан токи ўлимга қадар Ахматовани буюк муҳаббат билан севиб яшайди.

Ишончимга асос шуки, унинг номини тилга олиш билан Гумилевнинг наинки товушида, балки юз-кўзларида ҳам ўзгариш содир бўларди. Мен доимо ундан Ахматова ҳақида сўрардим ва энг тутуриқсиз саволларга берадим. Масалан, Ахматова ҳолвани хуш кўрармиди? Гимназияда ўқиб юрган кезларида сочини қандай тарарди? Рақса яхши тушармиди? Унинг ўз ити бормиди? Тўйларингиз бўлиб ўтган биринчи йилдаги Рождество байрамида унга нима совга қилгандингиз?

У менинг саволларимдан куларди, сўнгра "утмишга чўмарди". Сўнгра эса биринчи Рождество байрамида Ахматовани қилган совғаси ҳақида батафсил гапирарди:

— Гулли мато билан қопланган катта қути сотиб олдим, сўнгра унинг ичига олти жуфт пайпоқ, бир шиша "Коти" атири, тошбақа суягидан қилинган тароҳ ва Тристан Корбьернинг "Сарик муҳаббат" китобини жойладим. У шунчалар севиңдики! Қувонгандан хона бўйлаб иргиларди. Ахир уни оиласида кўпам орқалатишмаган-да.

Анна Андреевнага уйданганимда банкда унинг номига икки минг сўм пул кўйдим. Мен у ўзини мустақил ва тўла таъминланган ҳис қилиб юришини истардим.

— Ахматова илк бор қаерда ва қачон шеърларини эълон қилганди? — сўрайман.

— Менинг журналимда — "Сириус"да, — дея гурур билан жавоб беради у. — 1907 йили — журналимиз Парижда чикаётган пайтда биринчи бўлиб унинг шеърларини бостарганман. Мен наинки "Сириус"нинг ношири, балки муҳаррири ва бош ходими ҳам эдим.

...Мен ақлдан озар даражада уни севиб қолгандим. Бир гал у тепки билан оғриб ётганда Севастополга — унинг ҳузурига бордим. У қандайдир шишиб кетган бўйни билан менга янада жозибалироқ кўриниб кетди. У негадир Афина Палладага ўхшарди, шундай деб унга айтгандим, "мени масхара қилаясан", деди, мени нодон ва золим деб атади, қувиб солди. Мен кетдим, лекин бутун оқшом мени чақиради, деган умидда деразасининг олдида пойлаб ўтирдим. Тонгда эса уни бошқа кўролмасдан жўнаб кетдим. У мени кўп қийнади! Яна бир сафар келганимда, латиф бир висолдан сўнг менга қутилмаганда шундай дейди: "Циркда ишлайдиган ҳабаш йигитини севиб қолдим. Агар у истаса, ҳамма нарсани бор барака қиламан-да, у билан бирга кетаман". Мен жуда яхши билардимки, ҳеч қандай ҳабаш йўқ, ҳатто Севастополда циркнинг ўзи ҳам йўқ. Лекин, барибир мен бу гапдан сўнг кечалари уйку кўрмай, ақл-хушдан адашиб, ич-этимни ер эдим.

— Унинг "Оқшом" китоби қачон чиққан эди? — сўрайман.

— 1912 йили Шоирлар цехи нашриетида. Биз уни биргаликда тайёрлаган эдик. Унинг ҳақиқий шоир эканлигини ўшанда билгандим. У деярли яшан тезлигида шухратга бурканди. Унинг ютуқлари билан қанчалар севиңганман!

— Қанча уринмайин барибир "Оқшом"ни бирон ерда кўриш шарафига муяссар бўлмаганман...

— Бўлмасамчи! Китоб атиги уч юз дона чиққан эди ва улар ўша йиллик тарқалиб кетганди. "Оқшом" — ҳозир ноёб китоб, — деди

у. — “Оқшом”дан сизда борми?
 — Буш ирғайди:
 — Албатта. Дастхати билан! Уни кўз қорачигидек авайлайман, ҳатто бирон кишининг қўлига ҳам тутқазмайман...
 Бу гурун Санъат уйдан бирғалиқда қайтаётган пайтимизда бўлган эди.
 Эртаси куни унинг уйига борганимда илтимосини кутиб ҳам ўтирмасдан зангори муқовали юпкагина китобчани қўлимга тутқазди. Бундай мурувватдан ўзимни йўқотиб кўйдим ва китобга дарров кўл

унда камдан-кам бўларди — жарангдор овоз билан “Ва оққушлар”, еки оддийгина қилиб “Бизлар!” дея жавоб қиларди. Шунда мен хатто палтомни ҳам ечиб ўтирмасдан унинг “қоронги-нилий” хонаси томон югурардим, сўнгра икковимиз бир-биримиз билан қувлашмақоқ ўйнардик.

Аммо мен кўпинча ўзимнинг “Тозлар!” деган сўзимга бирданига жавоб ололмагач, дарров ўз хонамга томон йўл олардим. Билардимки, у мени жиним суймайдиган гап билан қарши оларди; “Николай, орани очик қилишимиз керак!” Бундан сўнг бутун

эдики, ҳатто замбаракдан ўқ узиб ҳам уйғотолмасдингиз.
 Буеги энди меъердан ошиб кетди! Ортик эшитишга тобим йўқ! Дивандан ирғиб тураман:
 — Николай Степанович! Ахматова ҳақида шундай гапларни айтиш мумкинми ахир! Бас қилинг!
 Аммо у қизикқонлик билан менга кўл силкитиб, жим бўлишга мажбур қилади.
 — Мумкин ва хаттоки керак ҳам! Мен билан бўлган хангомалар Шилейкога теккандан сўнг ҳам давом этди. Биринчи

ўзининг мафтункор шеърлари учун ўйлаб топган.
 У кўл силтайди:
 — Бўлган-бўлмагани билан кимнинг неча пуллик иши бор. Қачонки бутун Русия бир студент-католик Ахматовга нисбатан бўлган бахтсиз мухаббати учун ўзини останига чиппа-чин ишониб турган бўлса! Ишониб турибди, бу ишончи ҳеч нарса билан тор-мор келтириб бўлмайди. Афсоналар тўқилади ва улар биздан кейин ҳам қолаверади. Агар қалам билан... хусусан мафтункор шеърларда айтилган бўлса, унда ҳаттоки болта билан чопиб ҳам хотирадан кеткиза олмайсан. Иккинчидан, Ахматова машҳур замондоши Блокни ақдан озар даражада севади, деган афсона юради. Поени йўқ бутун Русия бунга ҳеч бир шак-шубҳасиз ишонади. Бўйнингизга олинг: бу гап, афсонага сиз ҳам ишонасиз...

Сукут сақлайман. Худди шундай, мен ҳам ишонардим. Ахматованинг Блокни севишини табиий ҳол деб қарардим. Ҳаттоки мен бироз хафа ҳам бўлдим. Нахотки шу гаплар тўғри, уларнинг ўртасида бирон-бир гап бўлмаса?
 — Ҳеч гап бўлган эмас! Улар ҳаттоки бир-бирларини жуда яхши танишмасди ва кам учрашардилар. Қолаверса Блок унинг шеърларини унчалик ҳам хуш кўрмасди. У шундай деганди: “Шоир Худонинг қошида туриши керак, Ахматова эса доимо эркакларнинг қошида туради”.
 У Блокка шундай мисраларни бағишлаган эди:
 Шоирнинг уйига меҳмонга бордим,
 Яқшанбада — чошгоҳ — чошгоҳ палласи...
 Ва Блок ҳам ўз навбатида унга шеър билан жавоб қайтарди. Аммо гап бу билан тугамади, афсона барибир тўқилди.

Шилейко билан рўзгор қуриб турган пайтларида Ахматова бирон марта ҳам на Санъат уйда, ва на адабий кечаларда кўриниш бермади. Аммо Шилейкодан ажралишгандан сўнг ҳамма ерда кўриниш бера бошлади. Блокни дафн қилиш маросимида ҳам у албатта иштирок этди.

Ирина ОДОЯВЦЕВА

НЕВА БҲЙЛАРИДА

узатишга журъат қилолмай турдим:
 — Ўзингиз “Оқшом”ни ҳеч кимнинг қўлига тутқазмайман, деб айтгандингиз-ку!
 У жилмайди:
 — Олинг, сизнинг ҳақингиз бор. Ахир шеърятта сизнинг эҳтиромингиз баланд-ку.

Бирок мен “Оқшом”ни кўлга олишга журъат қилолмайман. У китобни очиб, Ланкронинг “Богдаги сочлари тўзиган аёл” картинаси репродукциясини кўрсатади. Картина менга ёқмайди, чунки у Ахматованинг шеърларига мос тушмайди.

Муқовадан кейинги варақнинг хошиясига майда ҳарфлар билан дастхат битилган: “Қолята. Чунки сени севаман”.

У бош чайқайди:
 — Йўқ, у бу гапларни ҳазил қилиб езган.
 — Нахотки фақат ҳазил бўлса? Нахотки у сизни севмаган бўлса? Ахир унинг одами мафтун қиладиган қанча ишқий шеърлари бор...

У сабрсизлик билан гапларимни бўлади:
 — Шеър бошқа, ҳаёт бошқа. Агар у мени севган бўлса ҳам тез орада мендан кўнгли совиди. Биз бир-биримизга мутлако муносиб эмас эдик. Мутлако! — тақорлайди у гўе мени ишонтиришга ҳаракат қилиб. — Бизнинг никоҳимиз хато бўлган эди. Худди бошқа никоҳлар сингари... Бахтли никоҳлар бўлмайди. Бу гапни Ларошфуко айтган.

Энг қайгулиси шунда эдики, кунларимиз оддий ва зерикарли эди. Бирданига аён бўлдики, фелъ-атворимиз ҳам, дидимиз ҳам тамомила бошқа-бошқача экан. Мен фақир ўйлабманки, биз ўйланганимиз, унда бизни дунёда бирон-бир куч ажрата олмайди. Мен рўзгордаги қувнок ҳаёт ҳақида орозу қилардим, яна истардимки, у нафақат менинг естиқдошим бўлсин, балки менинг дўстим ва хушқакчақ ўртоғим ҳам бўлсин. Унинг учун эса никоҳимиз муносабатларимиздаги атиги бир босқич, эпизод эди, ҳолос. У худди аввалгидек мен билан Кнут Гамсун қахрамонлари каби “ишқий жанг” олиб боришни — мени қийнаш ва азоблашни, рашк ўтида беаёв екишни жуда-жуда истарди. У қизикқонлик билан қалтис “уйинни” давом эттирарди. Бирок мен бундай шармандали, ўзим бас деганча ёмон кўрадиган ўйинда иштирок этшини истамасдим.

Хуллас, икковимиз ҳам бир-биримиздан совдик.

Киев деган шаҳардан, Илоннинг уюсидан, Аёл эмас, жодугарга уйландим... деган мисраларни биринчи йили бекорга езмагандим.

Лекин мен уни барибир аввалгидан ҳам кўра қаттиқроқ сева бошладим. Агар унинг ўзи талаб қилмаганда эди, рўзгоримиз ҳеч қачон бузилмаган бўларди. Ҳеч қачон! Бундай қилиш менинг хаёлимга ҳам келмаган.

...Мен доимо уйга хурсанд, хушқакчақ бир кайфиятда қайтардим. Остонадан қадам кўярканман, белланган тартибга кўра: “Тозлар!” деб бақирардим. Агар унинг димоғи чоғ бўлса — лекин бундай ҳолат

тун рашк можароси бўларди.

— Тўғри, албатта, — давом этди у, — энди англаяпманки, кўп томонлама ўзим ҳам айбдор эканман. Кўп ўтмай унга қилам қила бошладим. Аммо хиенатларимда ҳеч бир гуноҳ кўрмасдим. Менимча гуноҳларим ҳам мангу мухаббат билан гўзал бир тарзда қорилиб кетарди. У эса мендан мутлако садоқатли бўлишимни талаб қиларди. Ўзига ҳам шундай талабни кўярди. У хатто тушида менга хиенат қилганини айтиб тавба-тазарру қиларди, илтижолар қилиб йиғларди ва бундан кулганимни кўриб қаттиқ дарғазаб бўларди. Шилейкога эрга чиққанидан сўнг ҳам кўп нарса ўзгармади. У билан яшай бошлагандан кейин шундай эади:

Гам бор эди,
 Гам бўлади,
 Гамдидирман тоабат,
 — Эшитишимча, у Шилейко билан ҳам ажралишмоқчи эмис, — дейман мен.
 Унинг юз киефаси бирданига ўзгарди.
 — Бундан хабарим йўқ. Бундай беаъни миш-мишларга қулоқ солмаслигини сизга маслаҳат бераман. Бу гаплар бошқа тақорланмасин, — дейди совуқ қилиб.

— Орадан қанча йиллар ўтиб кетди ҳамки, ҳамон бир оғриқ, аламини ҳис қиламан. Бу қанчалар адолатсизлик ва разилих эди. Масалан, унинг шундай мисралари бор:

Эрим гулдор камчис билан,
 Шафқат қилмай урарди мени...
 Ахир сиз англаяпсизми, мен шу сатрларнинг касофатига эларо эолим сифатида доврғ таратдим. Шундай гап тарқатиши: гўеки мен фрак кийиб олиб, гулдор камчи билан нафақат аелим — Ахматовани, балки ўзимнинг навнихол мухлисларимни ҳам ярим яланғоч қилиб камчилармишман.

Мен бу тутуриқсиз манзарани кўз олдимга келтирарканман, ўзимни тиелмай қулиб юбораман.

У дарров тўхтади.
 — Куляпсизми? Ишонинг, менинг куладиган ҳолим йўқ эди. Мен унга бундай уйдирмаларни чоп қилдириш мумкин эмаслигини, қолаверса, бу нарса одобдан бўлмаслигини қатъий уқтирардим. Ҳамиша ҳам ишқий можаролар ҳақида уйдирмалар езавериш яхши эмаслигини айттардим. Ёзган шеърларига қараб китобхон шоирнинг таржиман ҳолини яратади. Улар далилга, фактга эмас, балки шеърларга ишонадилар. Менга кўпинча қанчалар қийин ва оғир бўлганлигини ҳеч ким билмайди. Ахир ўртамизда шеърятдан ўзга ҳеч нарса йўқ эди. Ҳатто ўлаимиз Левушканинг таваллуди ҳам бизни яқинлаштира олмади. Уни деб тез-тез жанжаллашиб турардим. У нанкии ҳаётда, балки шеърларида ҳам иситмаётганидан, вавсасага тушаётганидан, уйқусизликдан ва ҳатто силга мутлако бўлгандан зорланарди. Холбуки унинг саломатлиги зўр ва иштаҳаси баланд эди, сувда эса худди балиқдек сузарди, ўпкаси заиф одам бундай сузолмайди. Уйқуси шу қадар тош

кунлари шундай езганди:
 Сенинг сирли мухаббатингдан,
 Оғриқлини кичкираман мен.
 Рангим сўлиб холдай тойганча,
 Оекларим судралар базур...

Худого шукур, менинг эмас, унинг мухаббати туфайли шундай бўлаяпти. Яна менга эмас, балки унга эҳтиром билан тақлиф қилаяпти:

Тимдалагин, беаев чанг сол,
 Менинг дардли кўкракларимга...
 Бу менинг эмас, Шилейконинг уйда:
 Мени кўшиқ айтмасин дея,
 Қамчи осиб қўйибдилар деворга...
 Мана буниси ҳам менинг ҳақимда эмас,

балки у ҳақдадир:
 Уйим зиндон, эрим қотидир менинг...
 Нима дейсиз, Шилейко деганлари эр эмас, турган-битгани гурбат, касофат. Нима бўлганда ҳам унинг қайғусига шерик бўлмасдан иложим йўқ. Аммо ўз замонда мен ҳам Ахматовадек аелга эр бўлиш шарофтини кўтараман, деб қанча гурбатларни бошимдан кечирдим. Масалан, ўшанда у шундай сатрлар езганди:

Ф. СП-1

АБОНЕМЕНТ на газету 64654
ОИЛА ВА ЖАМИЯТ (индекс изданий)

(наименование издания) Количество комплектов:

на 19 95 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Куда _____ (почтовый индекс) _____ (адрес)

Кому _____ (фамилия, инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА
 на газету 64654

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ (индекс изданий)

(наименование издания)

Стол-	подписки	сум	т.	Количество
мость	перс-	сум	т.	комплек-
	адресовки			тов

на 19 _____ год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Куда _____ (почтовый индекс) _____ (адрес)

Кому _____ (фамилия, инициалы)

Барча хушторларимга Бахт келтирардим...
 Бундай қарами кенг аёл билан Петербург бўйлаб сайрда юриш мен учун қадар қувонарли эмасди!
 — Бу гаплар аслида бўлмаган-ку! Фақат шеърлардагина бўлган, ҳолос, — деб қарийб бақираман мен, — Бу гапларни у

Ўша қуешли август эртасида уни шу қадар аниқ-тиниқ эслаб қолдимки, Блокни Смоленск қабриситонига элтаётган бошқа бирон кишини ҳам бу қадар ерқин эслаб қололганим йўқ.

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ ўзбекчалаштирди

Қодирхўжанинг хотинини Эшикдаги қулфнинг калити кўзи ериди. Бу хушxabардан йўқ-да, бўтам. қувончи ичига сигмаган — Нега бўлмас экан? — Қодирхўжа бир кучоқ гул деди Қодирхўжа қоровулнинг кўтариб турғуқхонага кўлидаги бир даста калитлар бордию, лекин ичкарига шодасига ишора қилиб. — киришга қоровул рухсат Нахотки, шунча калитлар бермади. Бу ерга келавериб ичида шу қулфнинг калити

ҚУЛФНИНГ НАРХИ

кўзи нишган Қодирхўжа бўлмаса? нинг иложини дарровгина — Э, бўтам, кўздан ҳам топақолди. Чўнтагидан битта берган экан-да, а? — деди бир сўмлик олиб қоровулнинг қоровул муғонбирана кулиб. чўнтагига тикиб қўйди. — Ахир эшикдаги қулфга — Отаxon бирров яхшироқ қаранг. кираману зипиллаб қайтиб — Кўриб турибман, — чиқаман, — деди Қодирхўжа деди Қодирхўжа ажабланиб. жилмайиб. — Қани, эшигинг — Оддий қулф... — гизини очиб юборинг. — Тушунмадингиз, — Қоровул шоммасдан деди қоровул яна ишшайиб. чўнтагига қўл солиб, бир — Яхшироқ қаранг, эшикка сўмликни олди-да, бир уч сўмлик қулф солинган... пулга, бир Қодирхўжага — Эй, ҳа, — деди қаради. Қодирхўжа чўнтагига қўл — Жон деб очардим-у... — соларкан... деди мижровланиб. —

Нормамат ТОВА

ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗ МИ?

ПРОВЕРЬТЕ ПРАВИЛЬНОСТЬ ОФОРМЛЕНИЯ АБОНЕМЕНТА!

На абонементе должен быть проставлен оттиск кассовой машины.

При оформлении подписки (переадресовки) без кассовой машины на абонементе проставляется оттиск календарного штампа отделения связи. В этом случае абонемент выдается подписчику с квитанцией об оплате стоимости подписки (переадресовки).

Для оформления подписки на газету или журнал, а также для переадресования издания бланк абонемента с доставочной карточкой заполняется подписчиком чернилами, разборчиво, без сокращений, в соответствии с условиями, изложенными в каталогах.

Заполнение месячных клеток при переадресовании издания, а также клетки «ПВ—МЕСТО» производится работниками предприятий связи.

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим ИРИСБОЙ
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР,
Дадаxon ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ,
Муҳаббат ИБОДОВА, Ҳалим САИИД
(бош муҳаррир ўринбосари), Ботир
ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОВЕВ,
Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ,
Муассис: Ўзбекистон Республикаси болалар
жамғармаси.
Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси болалар
жамғармасининг "Чинор" илмий ишлаб чиқариш
бирлашмаси.
Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек,
фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди.
Газетамиздан олинган маълумотлар "Ойла ва жамият" дан деб
қўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино. 3-
қават
Телефон: 39-43-95
Икром ИСКАНДАР навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш №33
Буюртма №Г-1254. 19124 нусхада чоп этил-
ди. Офсет усулида бос
илди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма
табоқ.

1 2 3 4 5 6

ТТТ

ДЕВОРИДАГИ ЭЪЛОНЛАР

САВДО-КЎРГАЗМАСИ

Бугундан бошлаб бир ой давомида "Шалпанқулоқ" спорт-саройида фақат чет элларда ишлаб чиқарадиган буюмларнинг савдо-кўرғазмаси бўлиб ўтади. Ҳар кунини биринчи бўлиб буюм сотиб олган харидорга тушликдан сўнг харид қилган буюмининг тўла қиймати қайтариб берилади.

Ташкилий кўмита

ИЖАРА БЕРИЛАДИ

Тўйга чопон ва калани ижарага берамиз.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз.

Сифатли нарсаларни сотиб оламан ва сотаман.

Янги, қоғози очилмаган магнитофонни қоғози очилган телевизорга алмаштираман.


ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

Қирқбулоқ — Қирққулоқ йўналиши бўйича қатнайдиغان янги автобусга йўловчилар керак.

Маъмурият

ФАРАНГ ХАНДАЛАРИ

Фолчи камтир мижознинг — Бўлак-бўлак қилиб унинг Париждаги думини кафтига қараб қичқариб чопишади... боссак, у Марселда юборди: — Оҳ! вовуллайти. Радио ҳам худди шундай нарса, фақат эмас! — Э, воҳ! Бўлиши мумкин — Кейин эса тузлаб ўртадаги ит олиб ейишади... — Нима гап? — Бечора мижоз уч кун ташланган, холос: ххх — Қўлингиздаги чи- гапларни миясидан зикрлар... Йўқ-йўқ... Бу чиқаролмай телбаларча таништирув бюросида даҳшат! шаҳар кезде. Кейин бирдан ишловчи аёл, — сиз учун — Бу чизиқлардан нимани фол очириш учун қўлини ажойиб қиз топиб қўйдим. ўқидингиз? Айтақолинг фолбинга узатганда расм чизишини, рақс тушиши, пианино чалишини кўшиқ айтишини, отда юришни билади... — Етарли, — деди мижоз. Сизни... теришдан қилинган эди. ххх — Камчиликлари етарли, энди фазилатларидан оёқларингиз Мақтабда муаллим гапиринг... — Е, ўқувчиларга тушунтираяпти: — Радио — бу оддий нарсасизлар узундан-узун итни кўз бердимурод ҚУРОЛОВ ўйрган — Е, пирикти! олдингизга келтиринг. Агар



муаллиф: Илхом ЗОИР